УДК 616-007-053.1.314-002-08

ЮРАК НУҚСОНИ МАВЖУД БОЛАЛАРДА ОҒИЗ СУЮҚЛИГИ КЎРСАТГИЧЛАРИНИНГ ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАРИНИ АНИҚЛАШ

Хамроева Дилафруз Шукуровна
dilafroz_hamroyeva@bsmi.uz
Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти

Аннотация. *Туғма юрак нуқсони мавжуд болаларда аралаш сўлак ёки оғиз суюқлиги оғиз бўшлиғининг табиий реминераллаштирувчи аралашмаси ҳисобланади ва у бемор болаларда тишлар эмалида реминерализация ва деминерализация жараёнларининг физиологик мувозанатини доимий сақланишига олиб келади. Аралаш сўлак макро ва микроэлементларга жуда бой, улар тишлар эмали билан таққослаганда оғиз суюқлигида кўп бўлиб, ушбу омил тишлар эмалида кариесга резистентлик даражаси шаклланишига ёрдам беради.*

Калит сўзлар: *Кариес, оғиз суюқлиги, реминерализация, деминерализация*

ОПРЕДЕЛЕНИЕ ПЕРВИЧНЫХ РЕЗУЛЬТАТОВ ПОКАЗАТЕЛЕЙ РОТОВОЙ ЖИДКОСТИ У ДЕТЕЙ С ПОРОКАМИ СЕРДЦА

Хамроева Дилафруз Шукуровна
dilafroz_hamroyeva@bsmi.uz
Бухарский государственный медицинский институт

имени Абу Али ибн Сины

Аннотация . *У детей с врожденными пороками сердца смешанная слюна или ротовая жидкость является естественной реминерализующей смесью полости рта и приводит к постоянному поддержанию физиологического равновесия процессов реминерализации и деминерализации в эмали зубов у больных детей. Слюна очень богата макро- и микроэлементами, которые в ротовой жидкости присутствуют в большем количестве, чем в зубной эмали, и этот фактор способствует формированию уровня устойчивости зубной эмали к кариесу.*

Ключевые слова: *Кариес, ротовая жидкость, реминерализация, деминерализация.*

DETERMINATION OF PRIMARY RESULTS OF ORAL FLUID PARAMETERS IN CHILDREN WITH HEART DEFECTS

Khamroeva Dilafruz Shukurovna
dilafroz_hamroyeva@bsmi.uz
Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sina

Abstract. *In children with congenital heart defects, mixed saliva or oral fluid is a natural remineralizing mixture of the oral cavity and leads to constant maintenance of the physiological balance of remineralization and demineralization processes in the enamel of teeth in sick children. Saliva is very rich in macro- and microelements, which are present in oral fluid in greater quantities than in tooth enamel, and this factor contributes to the formation of the level of resistance of tooth enamel to caries.*

Key words: *Caries, oral fluid, remineralization, demineralization.*

Долзарблиги:

Болаларда ҳар қандай соматик касалликларнинг мавжудлиги стоматологик касалликлар ривожланишига олиб келади. Замонавий болалар стоматологиясида тизимли касалликларнинг болалар оғиз бўшлиғи аъзоларининг ҳолатига таъсирини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу масала оғир кечувчи касалликлар, шу жумладан юрак нуқсони бўлган болаларда ҳам ўта муҳим ҳисобланади. Юрак-қон томир патологияси бўлган беморлар оғиз бўшлиғида характерли ўзгаришлар, пародонт касалликлари ривожланишида муҳим боғлиқлик аниқланган. Шу муносабат билан ушбу беморларда оғиз бўшлиғи ҳолатини баҳолаш ва профилактика чораларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Болаларда тишлар кариесининг фаол ривожланишига сўлакнинг физиологик хоссаларини таснифловчи, унинг ажралиш тезлиги ва қовушқоқлиги етарлича катта таъсир кўрсатади. Туғма юрак нуқсони билан касалланган болаларда тиш кариесининг фаол ривожланишига сўлакнинг физиологик хоссаларини тавсифловчи унинг қовушқоқлиги ортиши, сўлак ажралиш тезлиги ва pH кўрсаткичининг камайиши, оғиз бўшлиғи гигиенасининг паст даражаси етарлича таъсир кўрсатади.

Илмий тадқиқотнинг мақсади:

Тиш қаттиқ тўқимаси минерализация жараёнига таъсир қилувчи омиллар ҳамда реминерализация муддатини аниқлаш

Материал ва усуллар:

4-5 ёш ва 8-9 ёш бўлган 53 нафар юрак нуқсонининг кўк ва оқ шакли мавжуд болалар ва 13 нафар назорат гуруҳидаги болалар текширилди. Сўлак секреция тезлиги (ССТ), сўлак қовушқоқлиги ва pH кўрсаткичлари Рединова Т.Л., Поздеев А.Р. (1994) усули бўйича ва эмал реминерализация тезлигини клиник баҳолаш (ЭРТКБ) тести Рединова Т.Л. (1995) усули бўйича аниқланди.

Натижа ва таҳлиллар:

Оғиз суюқлигининг физиологик кўрсатгичларини ўрганиш назорат гуруҳидаги соғлом болалар билан таққосланганда сўлакнинг ажралиш тезлиги пасайишини кўрсатди. Туғма юрак нуқсонининг кўк шакли билан касалланган болаларнинг иккала ёш гуруҳида сўлак ажралиш тезлиги пасайиши етарлича кўп ва меъёрдан ишончли паст даражада эканлиги аниқланди.

Барча ёш гуруҳларида бемор болаларнинг оғиз суюқлигида қовушқоқлик кўрсаткичи назорат гуруҳи билан таққосланганда кескин кўтарилган. Сўлак ажралиш тезлиги ва оғиз суюқлиги қовушқоқлик кўрсаткичлари ўртасида бевосита корреляцион боғлиқлик аниқланди. Тиш қаттиқ тўқималари реминерализация тезлиги узайгани аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Тадқиқот гуруҳ болаларда оғиз суюқлигининг ўрганилган кўрсаткичлари (M±m)

Кўрсаткич	Кўк шакли		Оқ шакли		Назорат гуруҳи (n=13)
	1-ёш гуруҳи (n=17)	2-ёш гуруҳи (n=17)	1-ёш гуруҳи (n=8)	2-ёш гуруҳи (n=11)	
ССТ (0,35-0,5 мл/л)	0,29±0,01*	0,28±0,01*^{x} ^{xx}	0,32±0,01**	0,31±0,01^{*x} ^{xx}	0,39±0,01
Қовушқоқлик (1,0-3,9 ас.бир.)	4,25±0,17**	4,35±0,08*	4,20±0,20**	4,30±0,20**	3,40±0,15
pH (6,7-7,3)	6,40±0,19	6,40±0,29	6,50±0,16	6,45±0,16	6,90±0,28
ЭРТКБ (1-3 кун)	4,20±0,18*^{x}	4,30±0,11*	3,80±0,15*^{x} ^{xx}	3,90±0,15*	2,80±0,07

Изоҳ: * - назорат гуруҳига нисбатан (* - P<0,001; ** - P<0,01); ^{x} - 1-ёш гуруҳига нисбатан фарқларнинг ишончлилиги белгиланган (^{x} - P<0,001; $^{x\,x\,x}$ - P<0,05).

Жадвалдаги кўрсаткичлар назорат гуруҳидаги соғлом болалар билан таққослаганда сўлакнинг секретор функцияси пасайганлигини аниқ кўрсатади. Туғма юрак нуқсони оқ шакли мавжуд 1-ёш гуруҳ бемор болаларда ССТ қиймати соғлом болалар назорат гуруҳидан 1,2 марта паст, 2-ёш гурухда бу кўрсатгич соғлом болалар назорат гуруҳидан 1,3 марта паст. Кўк шаклда иккала ёш гуруҳда ССТ нинг пасайиши етарлича кўп ва меъёрдан ишончли паст. Бу кўрсатгич назорат гуруҳи болаларига нисбатан 1,3 -1,4 мартага ишончли паст эканлиги аниқланди.


Оғиз бўшлиғида биофизик ҳолатни ўрганадиган навбатдаги кўрсаткич оғиз суюқлигининг қовушқоқлиги ҳисобланади. Барча ёш гуруҳларидаги бемор болаларда оғиз суюқлиги қовушқоқлигининг кўрсаткичи назорат гуруҳи билан таққослаганда кўтарилган ва бу кўрсатгич соғлом болалар назорат гуруҳидан 1,3 мартага кўп эканлиги аниқланди.

Оғиз суюқлигида pH нинг ўрганилиши, агар соғлом болаларда меъёр 6,9 бўлганида, бемор болаларда бу кўрсаткич етарлича паст эканлигини кўрсатди. Бу эмалнинг реминерализацияси учун кескин қиймат ҳисобланади, бу қийматдан паст даражада болаларда эмал юза қаватининг деминерализацияси ва тишларда кўплаб кариес ривожланиши бошланади. Демак туғма юрак нуқсони мавжуд болаларнинг оғиз суюқлигида асосий кислота-ишқор мувозанатида тишларнинг фаол кариес ривожланишига олиб келувчи ацидоз томонга силжиши содир бўлади.

Туғма юрак нуқсони кўк шакли мавжуд болаларда тиш қаттиқ тўқималари реминерализация тезлиги ўрганилганда қарийиб 4 ярим кунгача узайгани аниқланди ҳамда аралаш сўлакнинг реминерализация даражасининг пасайганини кўрсатди. Буни кислотали муҳит таъсирида ишқорий фосфатаза фаоллигининг камайгани билан изоҳласак бўлади. ЭРТКБ-тест натижалари таҳлили шуни кўрсатадики, сўлак ажралиши тезлиги пасайишининг унинг қовушқоқлиги ортиши билан бирга кечиши ва pH пасайиши, оғиз бўшлиғининг физиологик ўз-ўзини тозалаш функцияси бузилишига, аралаш сўлак ва тиш эмали ўртасидаги ион алмашинувининг бузилишига, тишлар карашининг ҳосил бўлиши ва тўпланиши ортишига олиб келади.

ССТ кўрсаткичлари ва оғиз суюқлигининг қовушқоқлик кўрсаткичлари ўртасида бевосита корреляция алоқаси аниқланди. Олинган натижаларнинг таҳлили ССТ пасайиши ва унинг қовушқоқлигининг ортиши сўлакнинг тозалаш функцияси сезиларли бузилишига олиб келишидан гувоҳлик қилади. Оғиз бўшлиғида ўзини-ўзи тозалаш жараёнини бузади, тиш караши ҳосил бўлиши ва тўпланишининг тезлиги ортишига ҳамда оғиз бўшлиғида патоген микрофлора кўпайишига олиб келади.

Маълумки, pH кўрсатгичи соҳанинг яллиғланиш жараёнида кескин ортади, пародонтда сурункали катарал гингивит ривожланиши эса туғма юрак нуқсони билан касалланган бемор болаларда аралаш сўлакнинг янада кўп оксидланишига олиб келади, у сўлак ажралиш тезлиги пасайиши билан тавсифланади, бу кўплаб кариес, пародонт касалликлари ва оғиз бўшлиғи аъзоларида бошқа касалликлар ривожланишига олиб келувчи бош патогенетик омил бўлиб ҳисобланади (1-расм).



1-расм. Тадқиқот гуруҳлари ўртасида оғиз суюқлигининг ўрганилган кўрсаткичлари

Қовушқоқликнинг ортиши ва ССТ пасайишининг pH нордон томонга пасайиш жараёнлари билан уйғунлашиши туғма юрак нуқсони мавжуд болаларнинг оғиз бўшлиғи аъзоларига асосий касалликнинг давоси учун кортикостероидларни катта миқдорда қабул қилиш ҳамда оғиз бўшлиғи гигиенасининг ўта паст даражаси фонида бемор болаларнинг оғиз бўшлиғида маҳаллий ўзгаришлари таъсири остида содир бўлади. Маҳаллий умумий патогенетик омиллар ҳам асосий касаллик, ҳам маҳаллий асосий стоматологик касалликлар кечувини оғирлаштирувчи, ўзаро боғлиқ ва бир-бирини оғирлаштирувчи омиллар ҳисобланади.

Туғма юрак нуқсони мавжуд болаларнинг оғиз суюқлигида гигиенанинг паст даражаси ва pH нинг ацидоз томонига силжиши фонида сўлакнинг қовушқоқлиги билан боғлиқ бўлган ССТ пасайиши каби аниқланган патологик ўзгаришлар асосий стоматологик касалликнинг ривожланиши ва оғиз бўшлиғи ўзини-ўзи тозалаш жараёнлари кучсизланишига олиб келувчи ўта салбий уйғунлик ҳисобланади. Салбий омилларнинг ўзаро боғлиқлиги, ўз навбатида туғма юрак нуқсони мавжуд болаларнинг оғиз бўшлиғида юқори кариесоген ҳолат ривожланишининг юқори хавфини уйғотади. Шунингдек аралаш сўлакнинг қовушқоқлик, ССТ ва pH каби ўрганилган қийматлари ўртасида маълум даражада боғлиқлик аниқланганлигини айтиб ўтиш лозим.

Хулоса:

Шундай қилиб, аралаш сўлакнинг ССТ ва қовушқоқлиги ўртасида тескари боғлиқлик, яъни ССТ пасайганида, қовушқоқлик ортиши ва аксинча ҳолат белгиланди. Сўлакнинг ССТ ва pH кўрсаткичлари ўртасида эса бевосита боғлиқлик белгиланди, яъни ССТ пасайганида, параллел равишда аралаш сўлакда pH пасайиши кузатилди.

Олинган маълумотларни таҳлил қилиб, туғма юрак нуқсони мавжуд болаларнинг оғиз бўшлиғида асосий касаллик кечувининг оғирлигига боғлиқ бўлган, сўлак безлари секретор функциясининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари ўзгариши билан содир бўладиган ишончли маҳаллий ўзгаришлар кузатилади деган хулосага келдик. Шундай қилиб, туғма юрак нуқсони мавжуд болаларда ўрганилаётган барча ёш гуруҳларида аралаш сўлак секретор функциясининг миқдор кўрсаткичларида ишончли ўзгаришлар аниқланганлиги, оғиз бўшлиғининг қуруқлигига олиб келувчи гипосаливация ривожланиши, тишларнинг кариес билан фаол зарарланиш хавфи, пародонт тўқималарини яллиғлантирувчи зарарланишнинг ривожланиши ва ОБШҚ касалликлари ривожланишини айтиб ўтиш лозим. Гипосаливациянинг ривожланиши оғиз бўшлиғида физиологик ўз-ўзини тозалаш функциясининг бузилиши ва бу жараён билан боғлиқ бўлган туғма юрак нуқсони мавжуд болаларнинг оғиз бўшлиғида асосий стоматологик касалликлар (тиш кариеси, пародонт касалликлари) ривожланишига олиб келувчи, тишларнинг оғиз суюқлиги билан ювилиш жараёнларини кескин камайтиради ва аралаш сўлак ва тиш эмали ўртасидаги ион алмашинувининг бузилишига, тишлар карашининг ҳосил бўлиши ва тўпланишининг ортишига олиб келади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Hamroyeva Dilafruz Shukurovna. General Dental Condition and Characteristics of Dental Caries in Children with Heart Defects// American Journal of Medicine and Medical Sciences. USA. -2023. - №2 (13). - P. 153-155.
2. Ҳамроева Дилафрўз Шукуровна. ТУҒМА ЮРАК НУҚСОНИ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БОЛАЛАРДА ОҒИЗ СУЮҚЛИГИНИ КЛИНИКО-ЛАБОРАТОР ТЕКШИРИШ ВА ТИШ КАРИЕСИ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ// Тиббиётда янги кун. Илмий-рефератив, марифий-маънавий журнал. Бухоро. -2023. - №6 (56). - 232-237 Б.
3. Hamroeva Dilafruz Shukurovna. Prevalence Indicators of Caries and Parodont Soft Tissue Diseases in Children with Congenital Heart Defects// Eurasian Medical Research Periodical. Belgium. -2023. - Volume 21. - P. 165-169. (Impact factor: 8.1)

4. Д. Ш. Ҳамроева. Юрак нуқсони билан оғриган болаларда пародонт тўқималари ҳолатининг цитологик ўзгаришларини аниқлаш кўрсатгичлари// Доктор Ахборотномаси. Илмий-амалий журнал. Самарканд. -2023. - №2 (110). - 105-110 Б.

5. Ҳамроева Дилафруз Шукуровна. Юрак нуқсони билан касалланган болаларда асосий стоматологик касалликларнинг тарқалиш кўрсатгичларини баҳолаш// Журнал стоматологии и краниофациальных исследований. Самарканд. -2023. - №4 (3). – С. 23-26 .

6. Хамроева Дилафруз Шукуровна. Сравнительная эффективность лечения начального кариеса зубов у детей с врожденными пороками сердца// Научные тенденции в медицине. Ташкент. -2024. -№ 3. –С. 11-19.

7. Хамроева Дилафруз Шукуровна. Туғма юрак нуқсони мавжуд болаларда пародонт тўқималари ҳолатининг цитологик кўрсатгичларининг дастлабки натижалари// Amaliy va tibbiyot fanlari ilmiy jurnali. Самарканд. -2024. -№ 3(4). -Б.14–17.

8. Ҳамроева Дилафрўз Шукуровна. Болаларда доғ босқичидаги кариесни кариес инфильтрация усули билан даволашнинг самарадорлиги// International scientific journal «MODERN SCIENCE AND RESEARCH». –Тошкент. - 2024. VOLUME 3. ISSUE 6. UIF:8.2. -Б.292-297.

9. Hamroyeva Dilafruz Shukurovna. COMPARATIVE EFFECTIVENESS OF TREATMENT OF INITIAL DENTAL CARIES IN CHILDREN// New day in medicine. – Bukhara. -2024. - №12 (74). –P.30-33.

10. Hamroyeva Dilafruz Shukurovna. Improving the Diagnosis and Treatment of Tooth Enamel Demineralization in Children with Heart Defects// American Journal of Pediatric Medicine and Health Sciences (2993-2149). America. -2024. -Volume 2. -Issue 3. –P.296-301.

11. Hamroeva Dilafruz Shukurovna. Comparative Evaluation of the Therapeutic Effect of Individual and Complex Dental Examination in Children with Common Heart Disease// International Journal of Integrative and Modern Medicine. – America. -2024. Volume 2, Issue 7. -P.111-115.

12. Hamroyeva Dilafruz Shukurovna. THE EFFECTIVENESS OF THE TREATMENT OF INITIAL DENTAL CARIES IN CHILDREN BY THE METHOD OF CARIES INFILTRATION// Web of Medicine: Journal of medicine, practice and nursing. ISSN (E): 2938-3765 IFSIJ JIF: 7.555. –Terrassa, Barcelona, Spain. - 2024. Volume 2, Issue 7. –P.7-11.

13. Hamroeva Dilafruz Shukurovna. Assessment Of The Oral Cavity In Children With Congenital And Acquired Heart Defects// Eurasian Medical Research Periodical. – Belgium. -2024. - Volume 34. - P. 9-13. (Impact Factor: 8.120)

14. Shakhnoza Khojaeva, Otabek Rajabov, Lola Muhsinova, Dilafruz Hamroyeva, Shahzoda Samadova, and Nozima Kazakova. Increasing the effectiveness of complex influence on the condition of parodontal tissue in patients with diseases of the digestive system and having fixed dentures// Global Summit on Life Sciences and Bio-Innovation: From Agriculture to Biomedicine- Франция. - 2024. - No.121. – P. 1-14.